


Набий алайҳиссаломнинг қайтариқлари (тўққизинчи мақола)



11:00 / 29.10.2020 1521

Никоҳга доир қайтариқлар

Самура ибн Жундубдан розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйланмасликдан қайтардилар».

Имом Бухорий ривоятлари.

Абу Ҳурайрадан розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир мусулмоннинг иккинчи мусулмон киши савдоси устига савдо қилишдан ва совчи юборганнинг устидан совчи юборишдан қайтардилар».

Имом Термизий ривоятлари.

Али ибн Абу Толиб ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хайбар куни аёлларни мутъа қилишдан ва эшак гўшти ейишдан қайтардилар». (Мутъа – бирор аёлни маълум муддатга ва келишилган маблағ эвазига муваққат никоҳга олиш.

Кейинчалик бунинг макруҳлигига фатво берилган бўлиб, фақат шиа мазҳабида мавжуд).

Имом Бухорий ривоятлари.

Али ибн Абу Толиб ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хайбар ғазоти куни муваққат (сийға) никоҳни бекор қилиб, хонаки эшаклар гўштини емоқдан қайтардилар».

Имом Бухорий ривоятлари.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлнинг ўз аммаси ёки холасининг устига никоҳланмоғини ман қилдилар».

Имом Бухорий ривоятлари.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «шиғор» дан қайтардилар». (Шиғор – бир кишининг ўз қизини (ёки сингисини) бировга унинг қизига (ёки сингисига) уйланиш шарти билан эрга беришидир. Бунда ҳар икки томон ҳам маҳр бермайди).

Имом Бухорий ривоятлари.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эри ҳузурида бўлган аёлнинг эрининг изнисиз рўза тутмоғи ҳалол эмас ҳамда аёл эрининг уйига унинг рухсатисиз бирор кишининг кирмоғига изн бермасин ва эрининг буйруғисиз бирор нарсани сарф қилмасин, чунки ўша сарф қилинган нарсанинг ярми эриникидир», дедилар».

Имом Бухорий ривоятлари.

Ибн Шихоб ривоят қиладилар.

Аллоҳ таолонинг «Уларга уйланишга рағбат қиласизлар», деган қавлидан мурод шуки, Аллоҳ таоло етим қизларга уларнинг моли ва жамоли учун уйланишни ман қилади, яъни етим қизлар агар гўзал бўлсалар, уларга

шаръий маҳр бермасдан уйланишдан, агар хунук бўлсалар, уларнинг моли қўлдан кетмасин, деб ўзлари уйланмай, бировга ҳам эрга бермай зулм қилишдан қайтаради.

Имом Бухорий ривоятлари.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг мавлоси Абу Маъбуд ривоят қилади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аёл ёнида маҳрами бўлмаса сафарга чиқмасин ва ёнида маҳрами бўлмаган аёл олдига номаҳрам кирмасин», дедилар».

Имом Бухорий ривоятлари.

(Давоми бор)

[Саккизинчи мақола](#)

Islom.uz архивдан